# ДЎСТЛИГИМИЗ—



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.
№ 139 (4130.)

16 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА
1969 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА КУП МИЛЛАТ КИШИЛАРИ БИРГА ЯШАМОҚДАЛАР ВА АҲИЛЛИК БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. Иттифоқчи республикаларнинг СССР ичидаги чегаралари ўзининг илгариги аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда, чунки ҳамма миллатлар тенг ҳуқуқлидирлар, уларнинг ҳаёти ягона социалистик негизда қурилмоқда ва ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари бир меёрда қондирилмоқда, УЛАРНИНГ ҲАММАСИ УМУМИЙ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИ БИЛАН БИР ОИЛАГА БИРЛАШГАНДИРЛАР ВА ЯГОНА МАҚСАД БУЛГАН КОММУНИЗМГА БИРГАЛИКДА БОРМОҚДАЛАР.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ПРОГРАММАСИдан).

# КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ,

## ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Совет халқларининг Буюк Октябрь инқилоби туфайли қўлга киритган ютуқлари кўп. Ватанимизнинг ягона бир оиласига бирлашган барча миллатлар ва элатларнинг бузилмас дўстлиги, қардошлиги, ҳамжиҳатлиги қарор топганлиги ана шундай муваффақиятларимизнинг буюги бўлди.

СССР халқларининг барқарор дўстлиги йиллар оша синовдан ўтиб, тобланиб, шундай бир қудратли, енгилмас кучга айландики, социалистик Ватанимиз солномасининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолган ҳар бир тарихий, буюк воқеада бу дўстлик самараларини жаҳон аҳли кўриб, қойил бўлиб келмоқда. Шу дўстлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик туфайли йилларимиз мазмуни асрларга тенг бўлди.

Шу дўстлик қудрати туфайли бешйилликнинг гигант қурилишларини битказа олдик. Ватанни, социализм ғалабаларини ёвуз душман чангалидан омон сақлаб қолдик, олис сайёраларга йўл солдик. Коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида совет халқларининг ленинча бузилмас бирлиги ўз куч-қудратини намойиш қилмоқда.

Совет Иттифоқидаги тенгҳуқуқли барча қардош халқлар қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати натижасида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда.

Инқилобдан аввал чоризмнинг чекка мустамлакаларидан бири бўлган Ўзбекистон бир авлод умрига тенг давр ичида қолоқликдан тараққиёт сари катта сакраш қилди. Экономикаси, маданияти барқ уриб ривожланган, ёппасига саводхон республика, социализмнинг Шарқдаги машъали сифатида дунёга машҳур бўлиб қолди. Илгари ҳатто кетмон, михни ҳам четдан сотиб олган бугунги Ўзбекистон ўз маҳсулотини экспорт қилишда Иттифоқда — РСФСР ва Украинадан кейин — учинчи ўринни эгаллайди. Республикада ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1924 йилдан буён 78 баравар ўсди. Саноат маҳсулотининг ўн тури бўйича Ўзбекистон СССР да биринчи, яна ўн тур бўйича иккинчи-тўртинчи ўринларга чиқиб олди.

Дўстлигимизнинг куч-қудрати айниқса янги Тошкент қурилишида ёрқин намоён бўлди. Ўзбеклар диёрининг пойтахти халқлар дўстлиги кўзгусига ўхшатилаётгани бежиз эмас. Кучли зилзиладан буён атиги уч йил вақт ўтди. Ҳозирги Тошкент аввалгидан кўра юз чандон кўркам, баркамол бўлиб қолган экан, бунда ўзбек биродарларига оғир кунларда ёрдамга келган СССРдаги барча халқлар қўли гул бунёдкорларининг ҳиссаси буюк бўлди.

Бутун Иттифоқимизда бўлгани сингари серқуёш республикамизда, жумладан пойтахт областимизда ҳам турли миллат вакиллари ягона бир оиладек яшаб меҳнат қилмоқдалар. Ўлкамизда ҳозирги вақтда ўзбек, рус, украин, белорус, қозоқ, тожик, арман, татар, грузин, эстон, латиш сингари юздан ортиқ миллат вакиллари бор. Улар худди бир ота-онанинг ўғил-қизларидек аҳил-иноқ яшаб, эзгу ният — коммунистик жамият қуриш йўлида жонфидолик кўрсатмоқдалар. Бизда инсон қайси миллатга мансуб бўлмасин, қаерда яшамасин, у бошқалар қатори жамиятнинг тенгҳуқуқли граждани. Совет кишисининг бундай ҳуқуқлари бахтимиз қомуси—Конституциямизда муҳрлаб берилган.

Партия ва ҳукуматимиз СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги: сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида изчил тадбирлар кўриб келмоқда. Қардош республикалар, областлар, шаҳарлар ўртасидаги социалистик мусобақалар, делегациялар айрибошлаш, яхши анъанага айланиб бораётган маданият, фан, адабиёт ва санъат кунлари, декадалари, фестиваллар, конкурслар — булар барчаси СССР халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, миллатлар ва элатларнинг бирбирини яқинроқ тушуниш, бирбирининг маънавий бойлиги хазинасидан баҳраманд бўлишда энг муҳим омилдир.

Хуллас, сержилва ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида биз ленинча миллий сиёсат тантаналарини — СССР халқларининг монолит бирлиги, мустаҳкам дўстлиги, қардошлиги, биродарлигининг меваларини кўриб турибмиз.

«Одам-одамга дўст, ўртоқ ва биродар!». Бу принцип ҳар бир совет кишисининг инсоний фазилати, ахлоқ нормаси ва эҳтиёжи бўлиб сингиб кетган.

Доҳий Ленин асос солган, Коммунистик партия ардоқлаб, авайлаб барқарор қилган, курашларда синалган буюк дўстлигимиз яшасин ва яшнасин!

## ЙЛҲОМБАХШ МАВЗУ

ТОШКЕНТ Шарқда машҳур, машъал шаҳарлардан биридир. Ҳозирги кунда дунёда бу шаҳарнинг довруғи, овозаси етиб бормаган бирор гўша йўқ ҳисоб.

Муҳим тарихий воқеа — Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги низолар шу ерда ажрим бўлди.

Кейинги йилларда пойтахтимизда ўтказилган бир қатор тадбирлар, жумладан, Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро симпозиуми, Осиё ва Африка кинематографчиларининг Тошкент фестивали жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу анжуманларда турли миллат ижодкорлари аввало бири—бирлари билан яқиндан танишдилар, дўстлашдилар.

Халқлар дўстлигининг ёрқин намунасини Тошкент бошига оғир мусибат тушган зилзила кунларида кўрдик. Тошкентни қайта тиклаш ишида яқиндан кўмаклашгани Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан кўплаб қурувчилар етиб келишди. Тошкентликлар билан бир сафда туриб ҳормай-толмай меҳнат қилишди. Ҳозир Тошкентнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган.

Дўстлик ҳамиша адабиётнинг бош мавзуи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бундан роса беш аср илгари ҳазрати Алишер Навоий ҳам ўз асарларида биродарлик ғояларини кенг тарғиб этган. Совет Шарқининг улкан қаламкашлари Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ўз асарларида бу кўҳна, лекин ҳамиша навқирон мавзуга қайта-қайта мурожаат этдилар.

Биз, ўзбек қаламкашлари, қадимий ва бузилмас дўстлик ғояларини янада кенг, янада чуқур тараннум этишга қаттиқ бел боғлаб, ижод қилмоқдамиз.

Комил ЯШИН.

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман
меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди
таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа
қурбон.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

● ●

Улуғ совет халқлари доим бўл-
син пойдевор,
Арманин, ўзбек, тожик, украин,
қозоғу, рус
Ленин байроғи билан бирлашган
халқларки бор
Бариси улуғ русни оғам дейди,
дубдуруст.

Ғафур ҒУЛОМ.

● ●

СССР бир улуғвор юрак,
Бу дунёнинг зўр куррасидек.
Биз ҳамюрак, биз томирдошмиз,
Ҳамғоямиз, биз фикрдошмиз.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.



Бу чеҳраси гулгун турли миллат йигитлари пойтахтимиздаги грамм пластинка заводида аҳил ва қувноқ меҳнат қилишади. Рус йигити А. Корнаухов (чапдан), ўзбек М. Мирзааҳмедов, арман Х. Манукян, татар Р. Тангиров, ўзбек А. Аметов, яҳудий Л. Тимошновский, грек Х. Констандинус, корейс Н. Хигай ўртоқлар қўлни-қўлга бериб ишлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

● Серқуёш республикамизда 106 миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, дўстлик рамзи бўлиб қолган Тошкент шаҳрида 60 дан ортиқ, пойтахт областнинг шаҳар ва қишлоқларида 41 миллат вакиллари бор.

● Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар орасида турли миллат вакилларини учратиш мумкин. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида 30, политехника институтида 38, Низомий номли педагогика институтида 24, медицина институтида 30 миллатнинг ўғил-қизлари билим ҳазинасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

# БАХТ-САОДАТИМИЗ

